БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 36 (3264). | Шанба, 19 февраль 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент область XIV партия конференциясида сайланган Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилди.

Ўртоқ М. А. АБДУРАЗЗОҚОВ область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси, ўртоқ А. С. ПОНОМАРЕВ область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси, П. В. КОСТРИКОВ, Х. Р. МУСАХОНОВА, К. Н. БЕКАЕВ ўртоқлар область партия комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Э. Т. ШАЙХОВ, Г. Г. СВЕТЛЕНКО, С. Р. РАСУЛОВ, А. В. ДЕБАЛЮК ўртоқлар область партия комитетининг бюро аъзолари қилиб сайландилар.

И. Р. РАҲМАТОВ, М. А. ТОЛИПОВ, Г. К. ҲАЙДАРОВА ўртоқлар область партия комитети бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайландилар.

Ўртоқ М. А. ТОЛИПОВ область партия комитетининг партиявий-ташкилий ишлари бўлими мудири, ўртоқ У. А. АБДУРАЗЗОҚОВ пропаганда ва агитация бўлими мудири, ўртоқ З. ХУЖАЕВ қишлоқ хўжалик бўлими мудири, ўртоқ Н. И. БЕЛОУСОВ саноат-транспорт бўлими мудири, ўртоқ С. Ф. РОГАЧЕВ енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудири, ўртоқ Е. С. ЧЕПКО қурилиш бўлими мудири, ўртоқ Р. Н. БОБОЖОНОВА фан ва ўқув юртлари бўлими мудири, ўртоқ Ж. М. МАЛИКОВ маъмурий ва савдо-молия органлари бўлими мудири қилиб тасдиқландилар.

Ўртоқ А. И. ШКУРАТОВ область партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси қилиб тайинланди.

Пленум ўртоқ А. ИСМОИЛОВни «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори, ўртоқ А. Л. СТАЖИЛОни «Ташкентская правда» газетасининг редактори қилиб тасдиклади.

Плекум ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ иштирок этди.

Тошкент область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида ўртоқ Я. К. ЭЛЧИБЕКОВ ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаев Ғ.
Абдуразzоқов М. А.
Абдуразzоқов У. А.
Абдуҳамидов А. А.
Авазов Н.
Акимова Т. И.
Акромов А.
Акромов А.
Алимов А. П.
Альчикова А. О.
Архангельский В. А.
Асомов Х.
Атаманов Ш.
Афонин В. Д.
Аҳмадалиева Ш. С.
Аҳмедов Қ. А.
Ашрапов Х. А.
Бобожонова Р.
Баталина А. Г.
Бахолдин Я. В.
Бекаев К. Н.
Белоусов Н. И.
Борисов А. И.
Бродова А. И.
Валиев Э.
Гнездилов К. Г.
Гурянов В. И.
Дебалюк А. В.
Дьяченко И. Т.
Ёқубов Ф. Ғ.
Ёқубова М.
Иброҳимов Ғ. А.
Икромова Х. М.
Исмоилов А.
Исматуллаев И.
Йўлдошев Б.
Калиев М.
Камолов М.
Кедров В. В.
Ким Д. А.
Ким Пен Хва
Ковалева М. А.
Короткова К. А.
Костриков П. В.
Кочаров А. С.
Кошкинбоев А.
Кургузов И. П.
Ладушкин И. И.
Лелюх Л. П.
Ли И. А.
Локшина В. Г.
Лисин В. Д.
Мақсумов З. Т.
Маликов Ж. М.
Мамедов К.
Матқобулов А.
Мираҳмедов А. М.
Мирзаев М. М.
Мирзажонов А.
Мирзараҳимов Н. Р.
Муллаев М.
Мусахонова Х. Р.
Мусин И. Х.
Мусурмонов Т.
Муҳамедов В. М.
Муҳамедов И. Ф.
Мясников Ю. Н.
Назарянц Л. О.
Назиров Х.
Наседкин А. И.
Никитин С. И.
Нишонбоев С.
Нормуҳамедов Т.
Нуъмонов М.
Окунский В. В.
Ортиқова М.
Олимжонов Ғ.
Ортиқов А.
Ортиқова Р.
Ортиқхўжаев Т.
Охунова Т.
Пак А. Ф.
Полвонов И. А.
Платонов Н. М.
Поклонский П. С.
Понарин Н. Г.
Пономарев А. С.
Припусков И. К.
Пўлатов С.
Ражабов Т.
Расулов С. Р.
Расулова А.
Расулева В. А.
Расулев А. Р.
Раҳматов И.
Рогачев С. Ф.
Рўзиматов М.
Рябалко В. И.
Риндин А. И.
Садименко П. И.
Содиқов Т.
Саидбоев Ш.
Соқиев О.
Сотиболдиев И.
Сафонов К. Ф.
Светленко Г. Г.
Скребнев В. С.
Смирнов Е. Н.
Стажило А. Л.
Столлер А. В.
Суслов Н. В.
Суханов А. В.
Сисоев А. Н.
Сичева Е. П.
Тожиев М. Т.
Тоиров С. М.
Толипов М. А.
Тошхўжаев Б. С.
Тиллаева Н.
Тимофеев К. М.
Тошматов Х.
Токарев Д. И.
Турғунбоева М.
Турубар Л. Н.
Тюпко В. А.
Убайдуллаева М.
Умарова Д.
Усачев Д. Д.
Фалалеев П. П.
Флейшмахер И. Б.
Ҳайдаров И.
Ҳайдарова Г. К.
Ҳамроқулов Х.
Ҳасанов О.
Ҳасанова У.
Хван М. Г.
Ҳидоятов И. Х.
Хўжаев З.
Худякова Л. В.
Хусанов Н.
Ҳусниддинов И. К.
Цой И. А.
Чепко Е. С.
Чикова Л. Е.
Чўдная А. И.
Шайхов Э. Т.
Шарипова М.
Шаҳобов У.
Шералиев М. Ш.
Шкуратов А. И.
Шульженко С. П.
Эгамбердиев Х.
Юсупов У. Ю.
Юсупова А. У.
Қодиров М.
Қодиров Р. Н.
Қорнев М.
Қосимхўжаева М.
Қирғизбоев Н.
Ғазотов Т.
Ғафуров Р.
Ғуломов А.
Ғуломов М.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

Аваков Г. А.
Ан Ф. Г.
Аникин А. И.
Аҳмедов И.
Аҳмедов С.
Брагин К. А.
Гончарова А. И.
Деревянко И. Я.
Жўрабоев К. Н.
Зиёев Р.
Золотарев П. Н.
Икромов Э.
Кабачков П. А.
Кан И.
Козлов В. И.
Козлов В. Н.
Кунов М. И.
Ларин В. А.
Маматисаев И.
Мамонтов М. Ф.
Маъмуров М.
Маринина Т. С.
Мирхўжаев Х. Х.
Муталов Ф.
Назаров А.
Носиров Н.
Порсоев И.
Раҳимов А. Р.
Раҳмонова Х.
Содиқов З.
Сойбназаров А.
Салимов Т. И.
Середин В. И.
Сидорова Л. Н.
Стрижков Н. В.
Супиталев В. К.
Таратинова Е. К.
Тонков В. А.
Турдиев Х.
Усмонов Р.
Ҳайдарова Н.
Чернов В. А.
Эпельбаум М. Л.
Эгамбердиев М.
Эрназаров З. Ф.
Қодиров Р.
Қойшимонов О.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Аббосов Б.
Абдураҳмонова Х.
Алимуҳамедова Т.
Амилов С.
Аракелян Б. А.
Жалолов Н.
Жарқинбоев Ў.
Живодеров М. П.
Зоҳидов Ш.
Зулфиқоров Ш. Н.
Исломов С. К.
Исматов М.
Йўлдошева П.
Каипов Б. А.
Кирилин Е. И.
Кушеров П.
Мирхўжаев М.
Муҳамедов З.
Потатуев Г. И.
Ризаев Д.
Савченко Н. К.
Тошпўлатова К.
Умаров И.
Файзуллаев Д.
Федюнин Г. И.
Элчибеков Я. К.
Юнусов И.
Қорабоев И.
Ғаниева Ш.

КПСС XXIII СЪЕЗДИГА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОВОЗ БИЛАН САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР

Абдуразzоқов М. А.
Абдуллаев З. А.
Абдуҳамидов А. А.
Акромхўжаев С. А.
Ахманова А. В.
Ашрапова М.
Воронцова М. Г.
Воспитанникова Н. Е.
Зоидов М. А.
Киселев С. И.
Лагутина В. Г.
Лебедков А. Д.
Ломоносов В. Г.
Ляшченко Н. Г.
Матқобулов А.
Насриддинова Ё. С.
Нуғмонов К. (Яшин)
Ортиқов А.
Пономарев А. С.
Поспелов К. С.
Расулов С. Р.
Рашидов Ш. Р.
Рябалко В. В.
Содиқов О.
Саидова С.
Сатторова Л. С.
Сизов П. К.
Суворова П. П.
Тоиров С. М.
Усмонов А.
Ҳайдаров Т.
Ҳакимов Х. А.
Ҳакимжонова З.
Ҳамидов М.
Ҳасанов Т.
Хван М. Г.
Шайхов Э. Т.
Юнусова М.
Қодиров А. М.
Қодиров В.
Қурбонов Р.

КПСС XXIII СЪЕЗДИГА МАСЛАҲАТ ОВОЗИ БИЛАН САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР

Бакулин В. П.
Пўлатова С.
Содиқов Т.

ЎЗБЕКИСТОН КП XVII СЪЕЗДИГА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОВОЗ БИЛАН САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР

Аббосов Б.
Абдуллаев А. И.
Абдуллаев Ғ.
Абдуллаев З. А.
Абдуллаева Т.
Абдуразzоқов Б. А.
Абдуразzоқов М. А.
Абдуразzоқов У. А.
Абдураҳмонов А.
Абдураҳмонова М.
Абдусаматов А.
Абдуҳамидов А. А.
Аваков Г. А.
Ағзамов К.
Азимов К.
Азимов С. А.
Акимова Т. И.
Акромов А.
Алимбоев С.
Алимов А. П.
Алимтоев Х. А.
Амилов С.
Аминева З. М.
Ан Ф. Г.
Аникин А. И.
Арнаутов И. Р.
Архангельский В. А.
Асомов Х.
Афанасьев М. В.
Афонин В. Д.
Аҳмадалиева Ш. С.
Ахманова А. В.
Аҳмедов И.
Аҳмедов Қ. А.
Аюпов А.
Бобожонова Р.
Бабков И. В.
Баиров Т.
Бакиров А. Е.
Барановский М. С.
Барсукова М. П.
Бахолдин Я. В.
Бахромов К.
Бегматов Х.
Бекаев К. Н.
Белова Л. А.
Белоногов М. Г.
Белоусов Н. И.
Бельский Б. В.
Богатова Л. В.
Бочаров В. В.
Брагин К. А.
Бродова А. И.
Бугрименко Л. А.
Бухленкова А. А.
Ваҳобов М. Ғ.
Вечканова М. Т.
Витте В. С.
Воронцова М. Г.
Воспитанникова Н. Е.
Вулканина У. В.
Гликлад Н. И.
Гульшин В. П.
Демченко В. Л.
Деревянко И. Я.
Долгополова Л. А.
Дугина А. Д.
Динин М. Л.
Егорова М. Ф.
Егорова Р. А.
Елибоева Д.
Ермолаева Т. И.
Ерхов С. П.
Есенбоев З. И.
Ефимова Е. Т.
Ёдгоров Д. С.
Ёқубов Ф. Ғ.
Ёқубова М.
Ёрматов К.
Желтиков Ф. Н.
Жуков А. И.
Жабборов А. Х.
Жалилов Х. М.
Жўраева Ф.
Жўрақулова Т. И.
Зоболотникова Е. И.
Зоидов М. А.
Зайко Г. И.
Зокирова Х.
Зиёдуллаев С.
Зубкова Н. В.
Зулфиқоров Ш. Н.
Зуфаров К. А.
Икромов Э.
Иноземцева О. И.
Иноятова З.
Исаенко Л. В.
Исамуҳамедова Л. И.
Исломова М.
Ислямов А.
Исмоилов А.
Исмоилова М.
Исроилова З.
Исҳоқов А.
Йўлдошева Д.
Йўлдошева М.
Йўлдошева Н.
Йўлдошев Х.
Йўлчиева А.
Кабачков П. А.
Казанская О. И.
Каймаков П. В.
Калонов Х. З.
Камолов М.
Камолов М.
Кан И.
Карамушка П. К.
Каримов А. К.
Каримов К.
Каримова Ч.
Кедров В. В.
Ким Д. А.
Ким Гим Нам
Ким Пен Хва
Киндеров И. А.
Кириенко Е. П.
Киселев С. И.
Клеблеев Н. Ф.
Ковалева М. А.
Козлов В. Н.
Койка А. А.
Колесников М. Н.
Колосов А. Н.
Комлева А. П.
Кондратьев Н. В.
Костриков П. В.
Кравченко А. К.
Кравченко В. П.
Краснов А. А.
Кубасова В. Ф.
Кузнецов И. Г.
Кулакова Ф. Ф.
Кунов М. И.
Курьян Д. М.
Кушеров П.
Ладушкин И. И.
Ланина А. И.
Ларин В. А.
Лебедева И. Г.
Лебедков А. Д.
Лев С. И.
Левада М. Х.
Ли И. А.
Лисова В. Е.
Лобушкин Н. И.
Локшина В. Г.
Лисин В. Д.
Ломоносов В. Г.
Ляшченко Н. Г.
Мавлонқориев А. Р.
Мажидова О. Х.
Мазор А. Б.
Мақсумов З. Т.
Маликов Ж. М.
Малихин Н. И.
Мамажонов Ю.
Маматисаев И.
Маринина Т. С.
Маришев Т. Ф.
Матқобулов А.
Маҳмудова К.
Медведева Д. Е.
Мелентьев Б. И.
Мелихова Н. М.
Мираҳмедов А. М.
Мирзаев Т.
Мирзаева З.
Мирзаматов Б.
Мирзараҳимов Н. Р.
Мишанина И. В.
Мозалева М. И.
Морозова В. В.
Москалев П. А.
Музаффаров М.
Муковнина Н. С.
Муллаев М.
Мўминов И.
Мусахонова Х. Р.
Мусин И. Х.
Муслимова З.
Муталова М.
Муҳамедов А.
Муҳамедов В. М.
Муҳамедов И. Ф.
Мушкарев В. Г.
Назаров А. И.
Назиров З. Н.
Норқўзиев С. Б.
Насриддинова Е. С.
Носиров Н.
Николаева М. А.
Никифоренко Г. И.
Нишонбоев С.
Ниёзов Ш.
Ниёзова Ф.
Новоченко Н. С.
Новицкий О. В.
Нормуҳамедов Т.
Нуғмонов К. (Яшин)
Нуъмонов М.
Нуралиев А.
Нурматова Д.
Нирков П. М.
Окунский В. В.
Олимжонов Ғ.
Ортиқова М.
Орипов У.
Ортиқов А.
Ортиқхўжаев Т.
Павлова Т. Г.
Пак В. И.
Паршин Т. А.
Пересаденко Е. Н.
Перфилов С. П.
Пивкина А. М.
Пиднова В. Т.
Пискорская Н. П.
Платонов Н. М.
Подкопов П. И.
Поздняков А. К.
Полякова М. Е.
Поклонский П. С.
Положенцев Л. К.
Помрих В. И.
Пономарев А. С.
Поспелов К. С.
Потатуев Г. И.
Прасолов М. Ф.
Припусков И. К.
Приймак Г. П.
Пташников И. И.
Пугачева М. Л.
Пўлатова С. С.
Пўлатхўжаев С. Х.
Пучинина В. М.
Ражабов Т.
Радкевич Е. В.
Раимова Т.
Ракипова М. Р.
Рамазонов М. Р.
Расулов С. Р.
Раҳимов К. Р.
Раҳимхўжаев А.
Раҳмонова Б.
Раҳмонова Х.
Раҳматов И.
Раҳматхўжаева С. А.
Раҳимов А. Р.
Рашидов Ш. Р.
Репин П. М.
Ромашин Е. Н.
Рогачев С. Ф.
Рудюк С. И.
Рўзиев В.
Рўзматов М.
Рўзматова А.
Рухлинская Е. Д.
Рябалко В. И.
Рижов П. М.
Рихсиева Ш.
Собиров А.
Савельева А. И.
Савиних Т. И.
Соатов Т.
Содиқов О.
Содиқов Т.
Садименко П. И.
Саидова С.
Сойбназаров А.
Соқиев О.
Солмонов Ғ. И.
Самойлова В. И.
Саримсоқов Т. А.
Сатторова Л. С.
Сотиболдиев И.
Сафонов К. Ф.
Светленко Г. Г.
Свистунов С. А.
Сидаков Г. Х.
Сидолако И. Г.
Сидорова Л. Н.
Сизова Р. Т.
Сирожиддинов Б. Х.
Скребнев В. С.
Смирнова А. В.
Сойнова М. И.
Солодова Н. И.
Стажило А. Л.
Стрельникова Л. С.
Стрижков Н. В.
Султонмуродов А.
Султонова М.
Султонхўжаев А.
Супиталев В. К.
Тоғаев Т.
Тагирова Б.
Тожиев М. Т.
Тадулевич Р. Т.
Тоиров С. М.
Толипов М. А.
Тошметов А.
Тошмуҳамедова Х. Ғ.
Тошхўжаев Б. С.
Тимофеев П. М.
Тимофеев К. М.
Токарев Д. И.
Тўхтаева И.
Травков В. М.
Тўйчиев З.
Тўрақулов Е. Х.
Турдибекова Ф. Ғ.
Тюпко В. А.
Тюрев В. А.
Убайдуллаева М.
Умматов Т.
Ўразаев Ш. З.
Ўрозбоев М. Т.
Усачев Д. Д.
Усмонов Р.
Усмонова Ш. З.
Фалалеев П. П.
Филипов Б. А.
Финогеев Н. В.
Фурсова В. И.
Хожимуҳамедов М.
Ҳайдаров В.
Ҳайдарова Г. К.
Халилов Б. Ғ.
Ҳамидов М.
Ҳамроқулов Х.
Ҳамидхонов М. З.
Хонхўжаева Н.
Ҳасанбоев Ш. Р.
Ҳасанов Н. А.
Ҳасанова У.
Хван М. Г.
Ҳикматов С.
Хлопенко А. Е.
Хўжаев З.
Хўжаев Ф.
Хожинова М. А.
Хорева Л. Г.
Хрипко А. П.
Худойберганова Т.
Худойберганова Ш.
Худяков В. К.
Ҳусниддинов И. К.
Цитанова А. И.
Чапала Н. М.
Чепко Е. С.
Чепрунов П. В.
Черник С. С.
Чернов В. А.
Чернов Ю. Г.
Черняк Я. Г.
Чижов В. А.
Чўдная А. И.
Шобурхонов Ж.
Шайхов Э. Т.
Шомуротова З.
Шарипова М.
Шевелев П. Ф.
Шевченко Б. М.
Шкуратов А. И.
Шорина А. С.
Шчербаков А. И.
Эгамбердиев Х.
Элчибеков Я. К.
Эпельбаум М. Л.
Эгамбердиев М.
Эргашев Т.
Эрназаров З. Ф.
Эшонтўраева С.
Югай Г.
Юнусов И.
Юсупова А. У.
Юсупов У. Ю.
Яминова М.
Қодиров А. М.
Қодиров В.
Қодирова И.
Қодиров Р.
Қорнев М.
Қорнев М.
Қирғизбоев Н.
Қойшимонов А.
Қурбонов Ғ.
Қурбонов М. Х.
Қурбонов Р.
Қурбонова И. А.
Қурбонова С.
Қўшоқова М.
Ғазотов Т.
Ғозиназаров А.
Ғайбуллаев А.
Ғаниева Ш.
Ғанихўжаев Н. А.
Ғуломов А.
Ғуломова В.
Ғуломова Т. Ш.

ЎЗБЕКИСТОН КП XVII СЪЕЗДИГА МАСЛАҲАТ ОВОЗИ БИЛАН САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР

Абдураҳмонов К. Х.
Абсаматов М. А.
Акбарова Я.
Ағзамов Ю.
Акмалов И.
Анпилогова М. В.
Баянкоев Б. Т.
Ёқубжонова Х.
Зокиров А. И.
Йўлдошев У.
Капкаев Р. А.
Кашипов А. А.
Лукова З. Е.
Мантель А. Н.
Мирҳошимов С. М.
Полвонов И. А.
Пўлатов Ғ.
Расулова А.
Раҳмонов З. Р.
Сорока П. Н.
Холбекова М.
Хохлов В. А.
Черкашина Т. А.
Шишкина М. С.
Қозоқбоев К.
Қосимов Ж.
Ғаниева Х. Ғ.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган кунинг 18 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби ва Венгрия Революцион Ишчи-деҳқон ҳукуматининг Раиси Дьюла Каллангa телеграмма юбориб, қардош венгер халқига совет халқининг сидқидил қутловларини изҳор қилдилар.

Телеграммада бундай дейилади:

«Марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг буюк принципларига асосланган совет-венгрия шартномаси мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги самимий дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини доимо ривожлантириб ва мустаҳкамлаб бориш учун мустаҳкам замин яратди, социализм ва коммунизм қуриш учун курашда халқларимизнинг куч-ғайратини бирлаштириш ишига хизмат қилиб келмоқда ва барча социалистик мамлакатлар халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Азиз ўртоқлар, социалистик қурилишда, социализм кучларининг бирлиги ва жипслиги учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда сизларга ва бутун венгер халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз».

* * *

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби ва Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Дьюла Каллаи дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг 18 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Биринчи секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиуми раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигин номига телеграмма юбордилар. Телеграммада шундай дейилади:

«Пролетар интернационализмининг олижаноб идеяларини ва қардошларча ҳамкорлик принципларини ифода этувчи бу шартнома ютуқларимизнинг, мамлакатларимиз хавфсизлигининг муҳим факторидир ва кўп жиҳатдан халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, социалистик ҳамдўстлик жипслигини кучайтириш имконини бермоқда. Шартнома имзоланганлигининг 18 йиллиги муносабати билан шу нарсани зўр хурсандчилик билан таъкидлаб ўтамизки, венгер ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳар иккала халқларимиз манфаатлари йўлида кун сайин ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Ўзининг синалган ленинчи Коммунистик партияси раҳбарлигида коммунизм сари қомил ишонч билан бораётган совет халқига хўжалик қурилиши, маданият ва илм—фаннинг барча соҳаларида янада ажойиб муффақиятлар тилаймиз».

ЯДРО БОМБАЛАРИ БЎЛМАСИН

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Испаниянинг шарқи-жанубий соҳилида шу йил 17 январда рўй берган ҳалокат оқибатлари жаҳон жамоатчилигини жуда ҳаяжонга солиб қўйди. Франкочилар цензураси ва Америка ҳарбий қўмондонлиги бу ҳалокатнинг катталиги қай даражада бўлганлигини ва унинг оқибатларини камайтириб кўрсатишга, бир қанча муҳим деталларни жамоатчиликдан яширишга уриндилар. Лекин ҳалокатнинг миқёслари кўпчилиққа маълум бўлиб қолди: Американинг бомбардимончи самолёти осмонда бензин улашувчи самолёт билан тўқнашди ва Хиросимани емириб ташлаган бомбадан ҳар қайсиси бир неча юз баравар кучлироқ бўлган 4 та ядро бомбаси самолёт билан бирга ағдарилиб тушди. Бу бомбалар ҳатто портламаган ҳолда ҳам, аҳолининг ҳаётини хавф остида қолдиради, ўзи тушган жойни радиактив моддалар билан заҳарлайди.

17 январда рўй берган ҳалокатни биринчи марта содир бўлган ҳалокат деб бўлмайди. 1958 йилдан бошлаб Американинг бундай қирғин қуроли ортилган самолётлари ўн уч марта шу тариқа авариясга учради, шу аварияларнинг ҳар қайсиси бутун Ер юзидаги халқларнинг хавфсизлигига ва тинчликка жуда катта таҳдид солди.

Америка ҳарбийлари халқларга қарши ҳар кун ва ҳар соат оғир жиноятлар қилиб турибди. Улар Вьетнамдаги агрессияни кенгайтирмоқда, Латин Америкасида «катта гурзи» сиёсатини ўтказмоқда, Африкада озодликни бўғмоқда, ядро бомбалари ортилган самолётларни муттасил учириб, Европа мамлакатлари аҳолисини ўлим хавфи остида қолдирмоқда.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети бутун прогрессив жамоатчилик билан бирга Америка бомбардимончи самолётларининг ҳатарли учишларини тақиқлаш қўйишни қатъий талаб қилади.

Биз барча холис ният кишиларни ядро куролини тақиқлаш учун, ўзга мамлакатлар территориясидаги барча ҳарбий базаларни тугатиш учун ҳамма қитъаларда кураш олиб боришга чақирамиз.

СОВЕТ—КУБА ҚЎШМА АХБОРОТИ

ГАВАНА, 17 февраль. (ТАСС). Бу ерда Совет-Куба қўшма ахборотининг тексти эълон қилинди. Қўшма ахборотда қуйидагилар айтилади: СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев бошчилигидаги Совет Иттифоқи ҳукумат савдо делегацияси 1966 йил 3 февралдан 16 февралгача Куба Республикасида бўлди. Делегация СССР билан Куба Республикаси ўртасида 1966 йилги товар оборотининг протоколини имзолаш тўғрисида Куба савдо делегацияси билан якунловчи музокаралар олиб борди. Мазкур музокараларда Куба Республикасининг ҳукумат савдо делегациясига ташқи савдо министри Марсело Фернандес бошчилик қилди.

Н. С. Патоличев ва делегация аъзолари Кубада бўлган вақтларида республика президенти Освальдо Дортикос Торрадо томонидан қабул қилиндилар. Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, бош министр майор Фидель Кастро билан ҳамда партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари билан учрашувлар ўтказдилар.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ЭСДАЛИК ХАТИ

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 16 февралда АҚШнинг СССРдаги элчиси Ф. Колерни қабул қилди ва Совет ҳукуматининг эсдалик хатини АҚШ ҳукуматига юбориш учун унга топширди. Эсдалик хатида айтиладики, Америка ҳукуматининг расмий баёнотларига ва матбуот хабарларига кўра, шу йил 17 январда Американинг ичида ядро қуроли бўлган «Б—52» бомбардимончи самолёти Испания қирғоғи тепасида ҳалокатга учраган. Ҳалокат натижасида тўртта водород қуроли Испания территориясига ва ўрта денгизнинг соҳил яқинидаги сувларига қулаб тушган. Бу водород қуролларининг ҳар бири ўз қуввати жиҳатидан бир вақтлар Хиросима ва Нагасакига ташланган бомбалар қувватидан бир неча юз баравар кучлидир. Айни маҳалда ҳеч бўлмаганда, ана шу бомбаларнинг биридаги детонатор портлаб кетган ва радиактив моддалар ажралиб чиқа бошлаган. Ўрта ер денгизи тубида ётган бошқа бир водород бомбасидан ҳам радиактив моддалар билан заҳарланиш хавфи бор. Аҳоли зич жойлашган каттагина район радиактив моддалар билан заҳарланиш хавфи остида қолди. Ана шу ҳодисаларнинг ҳаммасидан халқлар жуда хавотирланаётганлиги табиий.

Эсдалик хатида таъкидлаб айтиладики, мазкур ҳодисаларнинг рўй беришига сабаб бўлган ҳаракатлар халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган принципларига ва нормаларига, амалдаги халқаро шартномалар ва битимларда, жумладан, атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги 1963 йилги Москва шартномасида АҚШ ҳукумати ўз зиммасига олган мажбуриятларга зиддир. Ҳозир Испаниянинг жанубий соҳили, шунингдек унга туташ бўлган денгиз бўшлиги Америка ядро қуролидан чиққан радиактив моддалар билан заҳарланди. Очиқ денгиз заҳарланишининг реал хавфи пайдо бўлди, бу нарса халқаро муносабатларда азалдан қарор топган очиқ денгиз эркинлиги принципига зиддир. Шу тариқа очиқ денгиз тўғрисида 1958 йилда тузилган, Қўшма Штатлар ҳукумати имзолаган ва ратификация қилган конвенция бузилди. Ана шу конвенция ҳар бир давлат зиммасига «ҳар қандай фаолият натижасида (радиактив материалларни ёки бошқа жуда зарарли моддаларни қўлланиш ана шу фаолиятга киради) денгизнинг ёки денгиз тепасидаги ҳаво бўшлиғининг ифлосланишига йўл қўймаслик чораларини кўриш» мажбуриятини юклайди.

Сўнгра, эсдалик хатида айтиладики, Совет ҳукумати ичига ядро қуроли солинган бомбардимончи самолётларни учириш қанчалик хатарли эканлиги тўғрисида АҚШ ҳукуматини неча марталаб огоҳлантирган эди. Лекин АҚШ ҳукумати бунга қулоқ солмади ва Америка самолётларини учириш авваргидек давом эттирилмоқда. Хатарли можароларнинг такрорланишига ҳеч қандай имкон қолдирмаслик учун атом ва водород бомбалари солинган самолётларни миллий чегаралардан ташқарида учиришни дарҳол тўхтатиш, инсон атрофидаги муҳитни радиактив моддалар билан заҳарлашга йўл қўймасликни кўзда тутувчи халқаро битимларга қаттиқ риоя қилиш халқлар учун оғир оқибатлар олиб келиши мумкин бўлган хатарли тасодифлар ва можароларнинг олдини олиш манфаатларига, тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ҳисоблайди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XIV ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ҳисобот доклади юзасидан бошланган мунозараларда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ С. Расулов сўз олади.

Тошкент коммунистлари, дейди нотиқ, область партия конференциясига ўз сафларини янада мустаҳкамлаган, экономикасини юксалтирган ҳолда келдилар. Шаҳар саноати етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин, 1965 йил 23 октябрда бажарди. Пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган етти йиллик мобайнида 300 йирик ишлаб чиқариш объектлари, 1 миллион 300 минг квадрат метр турар-жой, кўплаб мактаб, болалар муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилди.

Пойтахт партия ташкилотлари, барча коммунистлар ўзлари ишлаб турган муассасаларда, корхоналарда, қурилишларда яна ҳам кўпроқ масъулият ҳис қилиб ишлаганларида ютуқлар бундан ҳам самарали бўлиши муқаррар эди. Шаҳар, район партия комитетлари ўз ишларини КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида қайта қуриб ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини кучайтириш ва мавжуд қийинчиликларни бартараф қилиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Кадрлар ўртасида иқтисодий ўқув кенг ташкил этилди. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотларининг 1200 дан ортиқ раҳбари кечки марксизм-ленинизм университетининг иқтисодий факультетида ўқишмоқда. 300 дан ортиқ иқтисодий соҳа ходимлари халқ хўжалиги институти ҳузурида шаҳар партия комитети томонидан ташкил этилган олий иқтисод мактабида ўз билимларини такомиллаштирмоқдалар. Бу тадбир ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни чуқур анализ қилиш, КПСС Марказий Комитети сентябрь пленуми қарорларида кўзда тутилган масалалар — хўжалик ҳисобини дадил жорий қилиш, хўжаликни юритишнинг янги формаларини топиш имконини беради.

Раҳбарлик услубини такомиллаштириш, дейди ўртоқ Расулов, партия аппаратининг барча звенолари аниқ ва ҳамжиҳат бўлиб ишлашни талаб этади. Бироқ, область партия комитети бўлимлари ўзларининг амалий ишларида шаҳар, район партия комитетлари планларини ҳар вақт ҳам ҳисобга олавермайдилар. Область партия комитети партия ташкилотлари иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга етарли эътибор бермаётир. Тошкент коммунистлари Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарона бориб партия ташкилотлари иш тажрибасини ўргансалар яхши бўлур эди. Шаҳар партия ташкилоти, барча коммунистлар, дейди сўзининг охирида нотиқ, коммунистик қурилиш ишларида янги-янги ютуқларга эришмоқ учун кучғайратларини аямайдилар.

Минбарга Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **И. Ладушкин** чиқади.

— Район партия комитети кейинги вақтларда бошланғич партия ташкилотларига эътиборни кучайтирди. Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишлари билан чуқурроқ шуғуллана бошлади. Бу эса район экономикасини янада кўтариш, КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари қарорларини муваффақиятли ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Хўжаликларда сарфланаётган ҳар бир сўмга кўпроқ фойда олиш ишини ҳозирги даражадан ҳам юқорироқ кўтариш мумкинлигини конкрет мисолларда кўрсатиб ўтди, нотиқ. Колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги ходимларини хўжаликка экономикани яхши билган ҳолда раҳбарлик қилишларини таъминлашдан иборат. Район партия комитети ўз фаолиятини ва амалий ишини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратмоқда.

Кун тартибисиз партия мажлислари ўтказиш яхши натижалар бермоқда. Шундай мажлислардан бири райондаги 1-луб заводида ўтказилди. Натижа ёмон бўлмади. Корхона коллективи қийин аҳволдан чиқиб олди. Партия ишининг бу формасини кенг қўлланиш лозим.

Партия ходимининг жойи омма орасида. Бунинг учун бошланғич партия ташкилотлари секретарларини юқоридан бўладиган ҳар хил топшириқлар, ортиқча кўрсатмалардан озод қилиб қўйиш керак.

Ўртоқ Ладушкин идеология ишларини такомиллаштириш масалалари устида ҳам тўхталиб ўтади. Бунда вазифа барча партия ва раҳбар ходимларни идеология ишларига жалб этиш ҳамда агитация ва пропаганда ишларини тушунарли, таъсирчан қилиш ва ҳар бир колхозчи, ишчи ҳаётига яқинлаштириш учун ҳаракат қилишдан иборат.

Партия раҳбарлиги формаларини ташкилий жиҳатдан яхшилаш, йирик колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотлари учун маош олиб ишлайдиган секретарлар танлаш масаласини ҳал қилиш тўғрисида ўйлаш вақти етди. Партия қишлоқ коммунистлари олдига қўйган катта ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш ана шунга ҳам боғлиқ.

— Шаҳримиз меҳнаткашлари,—дейди Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **Ф. Еқубов**; — КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ қила бориб, етти йиллик топшириқларини ўтган йилнинг декабрь ойида муваффақиятли адо этдилар. 1965 йил плани 23 декабрда бажарилди. Пландан ташқари 6 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бир йил мобайнида 20,3 процент ўсди. Шу йил январь ойи плани ҳам тўла бажарилди. Бироқ ана шу ютуқлар билан бир қаторда ишимизда камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Шаҳарнинг энг йирик корхоналаридан «Узбекхиммаш» заводи, 160-қурилиш трести, «Червоқ ГЭСстрой» ўтган йили давлат планларини бажармади. Шаҳар партия ташкилоти бу корхоналарнинг коллективларининг аҳвол вақтлар мобайнида ўз резервларини ишга солиб қолоқликдан чиқишлари учун барча чораларни кўрмоқда. Чирчиқ саноат корхоналари коллективлари Москва ва Ленинградлик саноатчиларнинг металл ва материалларни иқтисод қилиш бўйича бошлаган ташаббусларига қўшилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Шаҳар саноат корхоналари беш йилликнинг дастлабки йилида 600 тонна қора металл, 2 тонна рангли металл ва бошқа материаллардан 600 минг сўмлик тежаб қолиш мажбуриятини олганлар.

Ўртоқ Еқубов партиянинг содиқ ёрдамчилари — комсомолларнинг коммунистчасига яшаш, ишлаш ва ўқишлари учун партия комитетлари қилаётган ғамхўрлик ҳақида гапиради. Кейинги вақтларда Чирчиқ комсомол ташкилоти сафлари бирмунча ўсди. Бироқ айрим партия ташкилотларида комсомоллар сонини ошириш тўғрисидагина ўйлаб, уларга талабчанликни пасайтириб юбормоқдалар. Бунинг натижасида кўпгина комсомоллар ўзлари ишлаётган коллективларнинг ҳаётида актив иштирок этмаётирлар. Баъзан эса жамоат тартибларини бузиш, ахлоқий жиҳатд

ПАРТИЯНИНГ ЙИГИРМА ИККИТА СЪЕЗДИ

КПСС вужудга келгандан бери йигирма иккита партия съезди бўлиб ўтди. Биринчи съезд 1898 йилда, XXII съезд эса 1961 йилда тўпланган эди. 1966 йил март ойининг охирида Москвада КПССнинг навбатдаги XXIII съезди очилади.

Ҳар бир съезд катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа, партия ва бутун жамият тарихида йирик сана ҳисобланади. Съезд олий партия органи сифатида партиянинг муайян босқичга мўлжалланган бош йўлини белгилайди, стратегия ва тактикани ишлаб чиқади, партия программаси ва Уставини қайтадан кўриб чиқади, ўзгартиради ва тасдиқлайди, партиянинг раҳбар органларини сайлайди. Съезд қарорлари ижтимоий ҳаётнинг етилган эҳтиёжларини ифода этади, даврнинг энг муҳим саволларига жавоб беради.

КПСС тарихи икки асосий даврга — октябргача ва октябрдан кейинги — яъни Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасигача бўлган давр ва ғалабадан кейин бошланган даврга бўлинади. Шунга мувофиқ партия съездларини ҳам икки асосий группага, яъни революциядан илгариги даврда ва Совет ҳокимияти даврида бўлиб ўтган съездларга бўлиш мумкин. Партиянинг I, II, III, IV, V ва VI съездлари биринчи группага, қолган ўн олти съезд эса иккинчи группага киради.

Икки группага бўлинган ана шу съездлар қарорларининг мазмуни ҳам партиянинг Октябрдан олдин ва октябрдан кейинги даврларда ривожланишидаги ҳар хил вазиятларни ифода этади. Октябрдан олдинги даврда партия чоризм, буржуазия тузумини йиқитиш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун куч тўплади. Ўша даврда партиянинг асосий вазифаси эски эксплуататорлик жамиятини емириб ташлашдан иборат эди. Октябрь революциясидан сўнг у раҳбар партия, дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг бутун ҳаётига раҳнамолик қилувчи партия сифатида майдонга чиқади. Янги социалистик жамиятни БАРПО ЭТИШ партиянинг шу даврдаги бош вазифаси эди. Табиийки, бу вазифа партиянинг съездлари ишида ўз ифодасини топмасдан иложи йўқ эди.

Партиянинг дастлабки съездлари орасида 1903 йилда чақирилган II съезд аҳамиятга эга. Бу съезд ишининг асосий якуни Россияда ишчилар синфининг марксистик партиясини, большевиклар партиясини тузишдан иборат бўлган эди. В. И. Ленин ишлаб чиққан ғоявий-ташкилий асосларда вужудга келган бу партия янги типдаги партиянинг, оппортунизмнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлган чинакам революцион партиянинг намунаси бўлди. II Интернационалнинг буржуазия билан тил бириктириб кетган реформистик партияларидан фарқли ўлароқ, бу партия социалистик революция ва пролетариат диктатураси партияси эди. «Большевизм,— деган эди В. И. Ленин кейинчалик,— сиёсий фикр оқими ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан бери мавжуд».

Съезд партиянинг биринчи Программасини қабул қилади. Унда ишчилар синфи революцион ҳаракатининг энг яқин [программа-минимум] ва бирмунча узоқ [программа-максимум] вақтларга мўлжалланган вазифалари илмий равишда белгилаб берилган эди. Бу биринчи ва дунёда узоқ вақтгача ягона бўлиб қолган ҳамда пролетариат диктатурасини ўрнатиш зарурлиги очиқ-ойдин айтилган ва асослаб берилган Программа эди.

Партиянинг кейинги III, IV ва V съездлари асосан 1905, 1907 йиллар революциясида партиянинг тактика йўлини ишлаб чиқишга бағишланди. Ўша давр учун жуда муҳим бўлган қуролли қўзғолон, вақтли революцион ҳукумат, деҳқонлар ҳаракатига муносабат, аграр масала, буржуа партияларига муносабат тўғрисидаги ва бошқа масалалар ушбу съездларнинг диққат марказида турарди. Ана шу масалаларни марксизм нуқтаи-назаридан ишлаб чиқишда партиянинг III съезди айниқса муҳим роль ўйнади. У буржуа-демократик революциясида пролетариатнинг гегемонлиги, пролетариатнинг асосий иттифоқчиси деҳқонлар, чоризмни ағдариб ташлаш учун қуролли қўзғолонни тайёрлаш ва ўтказиш, пролетариат ва деҳқонларнинг революцион демократик диктатурасини ўрнатиш, буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши тўғрисидаги таълимотларни олга сурди ва асослаб берди. Съезд кўрсатмаларига амал қилиб, большевиклар ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар оммасини тарбиялаш ва уюштириш ҳамда Россияда революцион ҳаракатни ривожлантиришга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш юзасидан катта ишларни амалга оширдилар.

Партиянинг революциягача бўлган форумларининг энг сўнггиси 1917 йил июль—августида бўлиб ўтган VI съезд эди. Бу съезд бутун ҳокимият буржуазия қўлига ўтган ва реакция авж олиб кетиши натижасида мамлакатда вужудга келган сиёсий вазиятни кўриб чиқди. Съезд февраль буржуа демократик революцияси ғалабасидан сўнг вужудга келган революцияни тинч ривожлантириш ва ҳокимиятнинг қурбонларсиз Советлар қўлига ўтиши имконияти барбод бўлди деган хулосага келди. Қуролли қўзғолон, контрреволюцион буржуазия диктатурасини қуч ишлатиб ағдариб ташлаш ва ҳокимиятнинг пролетариат ва камбағал деҳқонлар қўлига ўтиши тўғрисидаги масалалар кун тартибига қўйилди. Партия ишлаб чиққан йўл ўзини тўла-тўкис оқлади, бу йўл 1917 йил октябрида социалистик революциянинг оламшумул-тарихий ғалабаси билан якунланди.

Партиянинг бундан кейинги барча съездлари Совет давлатини мустаҳкамлаш ва мудофаа этиш, мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, социализм қуриш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. ТЎҒРИ ХЎЖАЛИК СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ АМАЛДА ЖОРИЙ ЭТИШ РАҲБАР ПАРТИЯ УЧУН МАРКАЗИЙ ВА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ИШ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. Давлат ҳокимиятини қурашиб қўлга киритгандан сўнг маҳсулот миқдорини кўпайтириш, жамият ишлаб чиқарувчи кучларини катта миқёсларда юксалтириш зарур. Пролетариатнинг бош ва энг туб манфаатлари шуни талаб этади, деб уқтирган эди В. И. Ленин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

1919 йил мартда тўпланган VIII съезд партиянинг янги Программасини қабул қилди. У капитализмдан социализмга ўтишдан иборат бўлган бутун бир тарихий давр вазифаларини белгилаб берди. Программада социалистик ишлаб чиқариш усулини мустаҳкамлаш ва мамлакат экономикасини юксалтиришга қаратилган тадбирларга катта ўрин берилган эди.

Лекин ҳеч қандай Программа янги жамиятни барпо этиш жараёнида пайдо бўладиган ва пайдо бўлиши муқаррар бўлган ҳамма масалаларга олдиндан жавоб беришга қодир эмас. Шунинг учун ҳам партиянинг навбатдаги ҳар бир съезди ҳаёт тақозо этган, вазият талаб қилган хўжалик қурилишининг конкрет проблемаларини кўриб чиқди ва ҳал этиб турди.

Масалан, 1921 йилги X съезд янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу сиёсат ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш, жамият ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган эди. XIV ва XV съездлар партиянинг мамлакатни социалистик индустрлаштириш ва кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш соҳаларидаги сиёсатини ишлаб чиқди. Троцкизм ва бошқа оппортунистик оқимларга қарши курашда бу съездлар СССРда социализм қуришнинг ленинча планини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, бутун партиянинг ана шу сиёсатини амалга оширишга сафарбар этди.

XV съезддан бошлаб ҳар бир съездда ё мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани ёки шундай планларни тузиш директивалари [XXI съездда етти йиллик план] муҳокама қилинди. Раҳбар куч сифатида партия давлат экономикасини янада ривожлантириш ва меҳнаткашлар моддий фаровонлигини кўтаришнинг илмий жиҳатдан асосланган йўл-йўриқларини кўрсатиб бериб турди.

Партиянинг бош йўли, ривожланишнинг ҳозирги босқичидаги унинг сиёсий йўли КПССнинг XX, XXI ва XXII съездларида ишлаб чиқилди. Бу масалалар XXII съездда қабул қилинган КПСС Программасида — коммунизм қуриш программасида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ленинча йўл-йўриқларга қатъий ва оғишмай амал қилиб, партия Совет давлати куч-қудратининг ҳар томонлама ўсишини, унинг экономикаси, фан ва маданиятининг юксалишини, социалистик демократияни янада ривожлантиришни, мамлакатнинг барча ишларини бошқаришга оммани борган сари актив қатнаштиришни, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ қондириш учун шарт-шароитлар вужудга келтиришни таъминламоқда. Бу вазифаларни ҳал этишни партия ўзининг энг муҳим интернационал бурчи деб ҳам билмоқда. Негаки, социалистик давлат иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалар юқори бўлса, бу жамиятда кишилар қанчалар яхши яшасалар, бу давлатнинг халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати тақдирига, дунё меҳнатида социализм мавқеларининг мустаҳкамланишига ўтказадиган ижобий таъсири шунчалар кўп бўлади.

Бўлажак XXIII съезд партиянинг навбатдаги вазифаларини, янги беш йиллик планнинг асосий топшириқларини белгилаб беради. Бу съезд партиянинг ривожланишига, унинг коммунизм қурилишига раҳбарлик қилишдаги кўпқирралі фаолиятида янги, янада юксак босқични ифода этади. Бу тарихий воқеанинг Улуғ Октябрнинг 50 йиллигидек катта байрам яқинлашиб қолган пайтда рўй бериши бўлажак съезднинг аҳамиятини янада оширади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси оппортунизмнинг ҳар қандай кўринишлари,— ревизионистлар, троцкийчилар, бухаринчилар, буржуа миллатчиларига қарши курашда ўсди ва чиниқди. Бу курашда ҳал қилувчи сўзни ҳар гал партия съездлари айтиб берди. Барча коммунистларнинг иродасини ифодалаб, съездлар партиянинг бош йўлидан ҳар қандай чекинишларга нисбатан муросасизлик намунасини кўрсатди, ўнг ва «сўл» оғмачиларнинг майда буржуа моҳиятини ялтирашга очиб ташлади, уларнинг большевистик партиявийлик билан ёнма-ён яшай олмасликларини кўрсатди. Съездлар оппозицион группаларга ва фракцияларга қарши ва ленинчи ғоявий, ҳам ташкилий жиҳатдан қозонилган ғалабаларни мустаҳкамлади ва поёнига етказди. Партия сафларини принципиал марксча-ленинча асосларда янада мустаҳкам қилиб жипслаштирди.

Съезд ишларида партия революцион традицияларининг ворислик характери, кекса ва ёш авлоднинг чуқур бирдамлиги, «оталар» ва «болалар» ғоявий-сиёсий қарашларининг бирлиги ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ҳар бир съездда кекса коммунистлар билан бирга кўпгина ёшлар ҳам қатнашади. Сўнгги уч съездда 35 ёшга ўтган партия аъзолари ҳал қилувчи овозга эга бўлган барча делегатларнинг тахминан бешдан бир қисмини ташкил этди. Эллик ёшдан ортиқ бўлган партия аъзолари сони ҳам шунча миқдорни ёки бундан сал кўпроқни ташкил этди. XXII съездан сўнг партия аъзолигига кандидат қилиб қабул этилганларнинг ярмидан кўпроғи комсомоллардир. Кекса авлод революцион традицияларига ёшларнинг мустаҳкам содиқлиги партиямиз бошлаб берган буюк ишни охиригача олиб боришнинг мустаҳкам гаровидир.

Коммунистик партия халққа, унинг ақл-идроки ва битмас-туганмас ижодий кучларига чексиз ишонади. У ўз съездлари минбаридан туриб барча меҳнаткашлар олдида ўз фаолиятига якун ясайди, фақат муваффақиятлар тўғрисидагина эмас, балки камчиликлар, қийинчиликлар ва уларни енгиш йўллари тўғрисида ҳам рўй-рост гапиради. Партияга бирон нарсани яширишнинг сира кераги йўқ, у қаётни воқеликда қандай бўлса, шундай олиб кўради ва характерлаб беради. Партия халқ билан ростгўй ва очиқчасига гаплашиши, унинг съездлари қарорларида халқнинг энг муҳим ва туб манфаатлари ўз ифодасини топиши учун ҳам халқ бу қарорларни зўр қониқиш билан кутиб олади, уларни тўла қўллаб-қувватлайди ва бу қарорларни амалда жорий этиш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилади. Партия ва халқнинг бирлиги, улар ўртасидаги ўзаро ишонч, партия йўл-йўриқларининг мамлакатдаги барча меҳнаткашлар томонидан актив қўллаб-қувватланиши коммунистик қурилишда эришилаётган барча муваффақиятларнинг энг муҳим манбаидир.

Николай ЛОМАКИН.
(АПН).

КАЛИНИН районидаги «Партия XXI съезди» совхози деҳқонлари кўклам экиш кампаниясига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Совхознинг Олимжон Эрматов бошлиқ парник хўжалигида айниқса иш қизғин. Ҳозир парник хўжалигида эртаги карам кўчатлари расад қилинмоқда. Суратда: илғор парникчи Салима Қорахўжаева карам ниҳолларини расад қиляпти.

И. Абдуллаев фотоси.

Тадбиркорлар

Яқинда «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг чорвачилик фермасида бўлдик. Сабзавот, картошка, полиз экинларидан ҳар йили юқори ҳосил олиб келаётган миришкорлар қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бири ҳисобланган чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида ҳам қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Биз фермада молбоқарлар, сут согувчилар иши билан танишдик. Бу ерда механизация кенг қўлланилаётганлиги, техникага, янгиликка ихлос қўйилганлиги сезилиб турибди. Машиналарнинг бирида беда майдаланяпти. Иккинчисида хашак ивитилмоқда. Сунъий сут тайёрлаш, молларга озуқа, сув етказиб бериш, чиқинди ва ғўнгларни тозалаш ишлари ҳам асосан механизация ёрдами билан бажарилаяпти. Шунинг учун 698 бош қорамол ҳаммавақт семиз, соғлом, сермаҳсул.

Фермада КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида астойдил кураш олиб борилмоқда. Пленум қарорларида кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари сингари чорвачиликни ҳам комплекс механизациялаш, ишнинг кўзини биладиган кадрлар билан мустаҳкамлаш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш йўли билан гўшт, ёғ, сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб, унинг таннархини арзонлаштиришнинг энг тўғри йўллари белгилаб берилган. Чорвадорларнинг ўз меҳнатларидан моддий манфаатдорликларини янада ошириш мақсадида давлатга сотиладиган маҳсулотларнинг ҳарид нархларини юқори қилиб белгиланиши уларнинг ўз касбларига бўлган муҳаббатини ошириб, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишга илҳомлантириб юборган.

Мана, ўтган йилнинг якунлари билан танишайлик. Фермада чорва моллари учун озуқа базаси тайёрлайдиган комплекс механизациялашган бригада (бошлиғи М. Юсупов) тузилган. Бу бригада ўтган йили етарли миқдорда ем-хашак тайёрлади. Силос мўл бўлди. Озуқа таннархи анча арзонга тушди. Бир центнер силос тайёрлаш учун бор-йўғи 1 сўм 10 тийин, жўхори дони учун 6 сўм 80 тийиндан сарфланди.

Машҳур сут согувчи Анастасия Чудная изидан бораётган фермининг чуднаялари ҳаммага ибрат бўларли меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз боқимларидаги сигирларни меҳр билан парвариш қилиб, сут соғишни «тандем» усулида ташкил этдилар. 240 бош сигирдан 820 ўрнига 841 тонна сут соғиб олинди. Давлатга пландан ортиқча 18 тонна сут етказиб берилди. Фермадаги аёлларнинг ҳар бири соғин сигирдан 3215 ўрнига 3600 литрдан сут соғиб олди. Бу кўрсаткич областимиз колхоз ва совхозлари ичида юқори ҳисобланади.

Ферма бошлағич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Эгамберди Исматиллаев сут соғиб олишда пешқадамлик қилаётган Чуднаянинг издошлари ҳақида фахрланиб сўзлади.

— Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мунаввара Исҳоқова, — деди у, — колхозимиздаги каттадан-кичикнинг ҳурматини қозонган аёл. Ўз касбининг устаси. Янгиликка ихлосманд. У ўтган йили «тандем» усулида 95 соғин сигирнинг ҳар биридан 3 минг 621 килограммдан сут соғиб олди. Унинг синглиси Инобат Исҳоқова, дугонаси Мактуба Раҳимовалар ҳам моҳир сут согувчиларимиздан.

Колхозда кўп ва арзон гўшт етиштириш соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам мақтовга арзийди. Фермадагилар беш йилликнинг биринчи йилини чорвачилик соҳасида ҳам муваффақиятли якунлаш тадбирларини кўрмоқдалар. Ем-хашак бригадаси 850 тонна дағал хашак, 2770 тонна силос, 1733 тонна лавлаги жамғариб қўйган. Ҳар бир соғин сигирга ўртача тўрт тоннадан дағал хашак, 5 тоннадан лавлаги, 12 тоннадан силос тўғри келади. Шу билан бирга бурдоқига боқилаётган молларга ҳам бемалол етиб ортади. Мана ҳозир 90 бош қорамол бўрдоқига боқилаяпти, уларни тирик вазнда 240 килограммданга етганда гўштга топшириш керак. Фермадагилар 300 килограммдан тош босадиган бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Яхши парваришланаётган ҳар бир қорамол суткасига 700—800 граммдан семираяпти.

Колхоз чорвадорлари илгариги йилларда давлатга топширилган сут маҳсулотидан зарар кўрардилар. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қароридан кейинчи? Катта фойда кўриладиган бўлди. Ўтган йили давлатга сотилган 662 тонна сутнинг ўзидан 99 минг 631 сўм даромад қилинди. Бу кишиларни янада унумли ишлашга руҳлантирди.

Жонажон партиямиз XXIII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юборган колхоз чорвадорлари юксак мажбурият олганлар. Улар улкан беш йилликнинг биринчи йилида 823 тонна сут етиштириш, унинг таннархини ўтган йилга нисбатан анча арзонлаштириш, давлатга 645 тонна сут етказиб бериш йўлида курашмоқдалар. Шу йўлдаги ҳаракатнинг дастлабки натижалари ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Зоур Усеинов, Қобилбек Тантабоев ўртоқлар ўз боқимларидаги бузоқларни сунъий сут билан парвариш қилмоқдалар. Шунинг эвазига ҳозиргача 11 минг килограмм табиий сут тежаб қолинди. Январь ойида 74 минг 124 килограмм сут соғиб олиниб, шундан 65 минг 678 килограмми давлатга сотилди.

Колхоз чорвадорлари эришилган дастлабки ютуқларини бундан буён янада мустаҳкамлаш, мўл ва арзон ём, гўшт, сут етиштириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
Калинин райони.

ҚЎЙЛАР ҚЎЗИЛАМОҚДА

ҒАЗАЛКЕНТ. (ЎзТАГ). Ороникидзе районидаги хўжаликларда майин жунли совлиқлар кўзилай бошлади. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг ўртоқ Ҳаким Умаралиев бошлиқ бригадасида дастлабки юзта кўзи туғилди. Бу ерда кўпгина совлиқлар эгиз туғди. Илғор чўпонлар бу йил ҳар юз бош совлиқдан 120 тадан кўзи олишни мўлжалламоқдалар. Бу ўтган йилдагидан 5 та кўп демакдир. Шунингдек, ҳар бир бош қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олишга аҳд қилинди.

Райондаги «Ленинград» ва Фрунзе номли колхозларда ҳам кўзлатиш мавсуми эрта муддатларда бошланиб кетди.

АҲД

Ўтган йили «Политотдел» колхозининг ҳамма бригадалари пахтачиликда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу ерда плани ошириб бажармаган бригада қолмади. Ўртоқ Шин Ха Рен бошлиқ бригада аъзолари 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 ўрнига 37 центнердан «оқ олтин» топшириб, йиллик плани 24 иш кунида ошириб бажаришганди. Бундай муваффақият бригада аъзоларининг ҳаммаси яхши ишлаганликлари, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаси кенг қўлланилганлиги, техникадан моҳирлик билан фойдаланилганлиги туфайли қўлга киритилди. Маҳаллий ва минерал ўғитларнинг исроф бўлишига йўл қўйилмади.

Бригада аъзолари ўтган йилдагидек бу йил ҳам ишнинг кўзини билиб меҳнат қилишяпти. Улар беш йилликнинг дастлабки йилида ҳосилдорликни гектар бошига 38 центнерданга етказиш мажбуриятини олдилар. Ҳозир деҳқонлар ана шу аҳднинг устидан чиқиш мақсадида кундан-кунга дала ишларини кучайтиришиб, чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўришяпти.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи, — партиямиз XXIII съездини муносиб нишонлаш учун барча чораларни кўряпмиз. Съезд очиладиган кунга қадар ариқ-зовурларни тозалаймиз, техникани экишга шай қилиб қўямиз. Белгиланган миқдордаги маҳаллий ўғитни далага ташиб чиқаришни таъминлаймиз. Бу бизнинг съездга муносиб совғамиз бўлади.

Н. АХРОЛОВ.

ОЙ ВА ҲАЁТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

«Луна—9» автоматик станцияси воситасида ўтказилган тадқиқотлар ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида фанга нималар бериши мумкин? ТАСС мухбири **Г. Кудрявцеванинг** шу саволга таниқли совет биохимиги академик **А. И. Опарин** бундай жавоб берди:

— «Луна—9» совет автоматик станцияси Ойга юмшоқ қўндирилганлиги ва шу аппарат ёрдамида олинган бутунлай янги илмий маълумотлар фақат астрономия, космик физика ва химия фанларидагина эмас, шу билан бирга биология соҳасида ҳам олиб бориладиган тадқиқотлар учун кенг истиқболлар очиб беради.

Ой юзасидаги шароит тўғрисида бизнинг қўлимизда бўлган ва «Луна—9» станциясидан қўшимча равишда олинган маълумотлар бизнинг табиий йўлдошимизда ҳаёт бор деб умид қилишимизга ҳатто заррача ҳам имкон бермайди, албатта. Ойда атмосфера йўқ, тоғ жинслари билан боғланмаган сув йўқ, кундузи ва кечаси температура кескин равишда алмашиниб туради, ультрабинафша ва космик радиация жуда кучли. Мана шу факторларнинг ҳаммаси бизнинг Еримизга хос бўлган ва алоҳида аппаратлар билан ҳимоя қилинмаган ҳар қандай организмни ҳалок қилиб қўяди. Бироқ, шу факторларнинг ўзи Ойда ҳаётни ҳеч сўзсиз инкор қилиш учун ҳали узил-кесил асос бўлаолмайди. Чунки бизнинг Ердаги ҳаёт учун характерли нарса шуки, у пайдо бўлиши билан ташқи муҳитга ниҳоят даражада яхши мосланиш қобилиятига эга бўлиб қолади.

Ҳаёт—материя ташкил топиши ва ҳаракатининг алоҳида, жуда мураккаб ва муказмал формасидирки, у тегишли шароит мавжуд бўлганида муайян босқичда пайдо бўлади. Башарти планетамизнинг табиий йўлдошида ҳатто жуда қадимий ўтмишда шундай шарт-шароит вужудга келган бўлса, унда қандайдир ибтидоий организмлар пайдо бўлиши мумкин эди, деб фараз қилсак бўлади. Модомики, шундай ибтидоий организмлар пайдо бўлган экан, бу организмлар яшашнинг тобора қийинлашиб бораётган шароитига ҳам кейин мосланиб қолган бўлур эди. Масалан, жонли организмлар Ой юзасидан аста-секин унинг остки қатламларига ўтиб кетган бўлишлари мумкин деб тасаввур қилса бўлади. Олимларнинг тахминларига қараганда, Ойда температуранинг ўзгариб туриши нисбатан катта эмас, бинобарин, у ёки бу тарзда сув сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Ойни тадқиқ этишни давом эттириш натижасида лоақал энг ибтидоий организмларнинг изларини топишга муваффақ бўлинса, мана шунинг ўзи ҳаётнинг моҳиятини билиб олиш учун нақадар кўп маълумот берган бўлур эди! Ҳозир биз ҳаётнинг, айтиш мумкинки, «ягона нусхасини» фақат ўзимизнинг, Ердаги ҳаётни биламиз, холос. Материя ривожланишининг бошқа шароитда бошқа самовий жисмда пайдо бўлган ўзгача формалари тўғрисидаги маълумотлар қўлга киритилганида бизнинг билимларимиз нақадар кенгайган бўлур эди.

Лекин такрор айтаманки, гарчи тадқиқотларни давом эттириш натижасида Ойда ҳаётнинг бирор белгисини топишга муваффақ бўлолмаганимиз тақдирда ҳам, табиий йўлдошимизни ўрганишни давом эттириш биология учун жуда кўп маълумотлар беради.

Ердаги ҳаёт «жонсиз материянинг углеродли бирикмаларнинг эволюцияси натижасида пайдо бўлган, сўнгра эса, тобора мураккаблашиб бораверган органик моддалар вужудга келган. Эҳтимолки, коинотдаги бошқа дунёлар учун ҳам шу каби процесслар характерлидир. Шу вақтгача биз абиоген (ҳаётдан мустақил равишда пайдо бўлган) органик моддаларни фақат бир усул билан: Ерга тушаётган метеоритлардан шу моддаларни ажратиб олиш йўли билан ўрганишга муваффақ бўлдик. Жумладан, корбонли хондритлар деб аталган моддаларда органик моддаларнинг эволюцияси анча такомиллашган. Бу эволюция натижасида тирик мавжудотларга хос бўлган, масалан аминокислоталар сингари бирикмаларгина эмас, шу билан бирга, хили мураккаб ва юксак даражада молекуляр (полимерли) бирикмалар ҳам вужудга келган. Бироқ, бу-ларда, табиийдирки, организмлар пайдо бўлиш даражасига ҳали етилган эмас.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши йўлида эволюциянинг навбатдаги босқичларининг рўёбга чиқиши учун шу қадар зарур бўлган энг муҳим бўғин, яъни сув ҳали йўқ.

Ойда органик моддаларнинг қандайдир формалари борлигига шак-шубҳа қилмаса бўлади. Ойда органик моддаларнинг бундай формалари Ойнинг ўзида содир бўлаётган жараёнлар таъсири остида ёки углеродли бирикмаларни ўзи билан олиб келувчи метеоритлар ёғилиши натижасида вужудга келиши мумкин.

Ердан Ойга олиб чиқилган лаборатория асбоблари ёрдамида Ой юзасини бевосита ўрганиш бошланганлиги, ҳеч шубҳасиз, жуда аҳамиятли кашфиётлар қилинишига, бутун коинот миқёсида ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги билимларимизнинг кенгайтирилишига олиб келиши лозим.

ХАЗИНА

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси республикамиздаги энг кекса кутубхоналардан биридир. Яқинда у ўзининг қирқ йиллик юбилейини нишонлайди.

Ҳозирги кунда кутубхона китоблар, журналлар, справочникларнинг йирик хазинаси саналади. Кутубхонанинг китоб фонди у ташкил топгандан буён йил сайин бойиб борди. Дастлабки йили унинг фондида атиги етти мингга яқин китоб ва журналлар мавжуд эди.

Эндиликда кутубхона қиёслаб бўлмас даражада ўсди, бойиди. Шу кунларда кутубхона токчаларида фаннинг турли соҳаларига оид уч юз мингдан ортиқроқ адабиёт бор. Ўқувчилар доираси ҳам кенгайди. Кутубхона фондидан икки минг кишидан ортиқ ўқувчи фойдаланиб келмоқда. Булар — олимлар, илмий ходимлар, аспирантлар, студентлар. Кутубхонада сиртқи абонемент ҳам ишлайди. Агрономлар ва зоотехникларнинг ўз сўровларига кўра ундан турли адабиётлар олиб турадилар.

Марказий қишлоқ хўжалик кутубхонасида яқингинада яна бир янгилик амалга оширилди. Кутубхоналараро абонемент ишлай бошлади. Бу тадбир кутубхона ролини янада ошириб юборди. Ўқувчилар сони яна ҳам кўпайди.

Марказий кутубхона колхоз ва совхозларнинг кутубхоналарига мунтазам равишда қишлоқ хўжалик масалаларига оид илмий-оммабоп ва методик адабиётлар юбориб туради.

Кутубхона ходимлари ўқувчилар эҳтиёжини мумкин қадар яхшироқ қондириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Катта оммавий иш олиб борилаяпти. Ҳар йили турли бўлимлар бўйича, чунончи, суғориладиган ерларда пахтачилик, Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Закавказьеда уруғлик беда агротехникаси, Ўрта Осиё иқлим шароитида суғориладиган ерларда деҳқончиликни химиялаштириш бўйича библиографик кўрсаткичлар нашр қилиняпти.

Ҳозирги вақтда кутубхонада пахтанинг вильт билан касалланишига оид қўлланма-кўрсаткич тайёрланмоқда. Бу иш ўсимликнинг вильт касаллиги бўйича шу йил февраль ойи охирларида Москвада очиладиган Бутуниттифоқ симпозиумигача тугалланади.

Кутубхона фонди янги-янги адабиётлар билан бойиб бормоқда. Ҳамма янгиликлар ҳақида кутубхонада нашр қилинаётган ахборот-бюллетенларидан билиш мумкин. Бу бюллетенларни маърифат даргоҳининг кекса ходими бош библиограф М. Татаринова ва справка-библиография бўлимининг бошқарувчиси Н. Еремянц ўртоқлар чиқаришяпти.

Кутубхона иши ветерани Е. Пукерваниик бошчилик қилаётган қайта ишлаш бўлими зиммасидаги вазифалар, айниқса, масъулиятли. Бу бўлим ходимлари китоблар ва журналлар учун каталоглар тузиш билан шуғулланади.

Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси республикамиздаги йирик кутубхоналар каторидан муносиб ўрин олди. У республикамиз ва мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум. Қишлоқ хўжалик кутубхонаси билан жаҳоннинг ўн тўрт мамлакатидан қирққа яқин кутубхона адабиётлар айирбошлайди.

Бу кутубхона Ўрта Осиёда ягонадир. У пахтачилик бўйича библиография марказидир.

Шу кунларда Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси ходимлари ўз хазиналарининг 40 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу тўйни кутубхона аҳли билан бирга кўп минг сонли ўқувчилар оммаси ҳам зўр қувонч билан нишонлайдилар.

Х. НОСИРОВ.

Суратда: кутубхона ўқув залларидан бирида.

С. Сенчило фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Лирик мисралар

Пианино ёнида

(САНЪАТКОР ҚИЗГА)

Жажжи-жажжи бармоғи,
Чалар ёшлик куйини,
Тинглар юзлаб ўртоғи,
Қаранг кичик бўйини.

Ҳавас жўшар дилида
Улғаяр завққа тўлиб,
Шу меҳрибон элида
Усар санъаткор бўлиб.

Бир кун келиб саҳнанинг
Етилиб гули бўлар,
Устирган шод онанинг
Қувончдан қалби кулар.

Ёр билан

Диёримиз гулга тўлган боғ,
Ором олар меҳнатдан сўнг эл.
Гулдастага тўлади қучоқ,
Завқи тошиб қувонар кўнгил.

Сайр этамиз мен билан ёрим.
Нурга тўла ҳар кечки оқшом.
У қувончим, чин ифтиҳорим,
Меҳрим ошар термулиб боқсам.

Сўзлашамиз, дил тўла орзу,
Севинч билан тепади юрак.
Биз биргамиз чаманда мангу,
Камол топар ой қиз Муборак.

Яқинлардан келади шўх куй,
Эшитилар қулоққа майин;
Вафо тўла олам-олам уй,
Қўшиғимни шунга айтайин.

Ёнимдасан

(ҚУШИҚ)

Сен жангларда кезган чоғ,
Ишқ ҳижрони эзган чоғ,
Дил гўё боғбонсиз боғ —
Кутардим, ёнимдасан,

Ён эмас, жонимдасан.
Учрашувни кўзлайман,
Шуҳратингни сўзлайман,
Ғолиблигинг куйлайман,

Кел, яна ёнимдасан,
Ён эмас, жонимдасан.
Ёвларни яксон этиб,
Донгинг дунёга кетиб,

Қўлинг қуёшга етиб,
Мард қайтдинг, ёнимдасан,
Ён эмас, жонимдасан.
Сен келдинг, кўнгил тинди,

Қуёш дилга беркинди,
Яллалар бошла энди,
Кел, яна ёнимдасан,
Ён эмас, жонимдасан.

Юсуфжон ҲАМДАМ

Чимён бағрида тоғ чанғи спорти бўйича Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Суратда: республикамизнинг энг кучли чанғичиларидан бири, «Меҳнат» жамияти вакили В. Овчинников мусобақа пайтида. А. Почкаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

Ҳайвонот боғига кирмаган киши бўлмаса керак. Бу ердаги ажойиб ҳайвонларнинг қайсилари Ўзбекистонда яшайди деган саволга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институти заҳарли илонлар экологияси лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори О. П. Богдановнинг яқинда ўзбек тилига таржима қилинган «Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси» деган китоби жавоб бера олади.

Китоб ўқувчини Ўзбекистонда энг кўп тарқалган балиқлар, сувда ва қуруқликда яшайдиган ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, турли хил паррандалар билан таништиради, уларнинг кўпайиши, ҳаёт кечириши, зарари ва амалий аҳамиятини тасвирлаб беради.

Китобни табиатшунослар, ўқувчилар, студентлар, овчилар ва умуман табиатни севувчи ҳамма киши қизиқиш билан ўқийди. Масалан, илонларни кўплар зарарли деб тушунишади, ваҳоланки заҳарли илонларнинг заҳари билан гипертония, ревматизм ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади. Илон чаққан кишининг ўзини ҳам шу заҳардан тайёрланган вакциналар ёрдамида даволайдилар. Китобни ўқиб чиққан киши, қайси илоннинг заҳарли ва қайсиниси заҳарсиз эканлигини яхши билиб олиши мумкин. Китобда, илон чақиб олса дарҳол ёрдам қилиш усуллари ҳам кўрсатилган.

Китобнинг кўп жойларида О. П. Богданов ўз ҳаёти давомида учратган ва эшитган воқеаларини ҳикоя қилиб ўтади.

«Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси»да балиқлар, қушлар ва сут эмизувчилар тўғрисида тўла маълумотлар бор. Масалан, лаққа балиқ қаерларда кўп бўлади ва уларни қандай овлаш керак деган саволга шу китобдан жавоб топиш мумкин. Лаққа балиқни дарёларда сузувчи тўр, ёйма тўр ва вентар билан, кўпинча қармоқ билан тутилади. Қармоқлар гирдобларга тунда ёки эрта тонгда қўйилади.

Бизда қурбақа каби фойдали жонивордан беҳуда хазар қилиб, уни кўпинча ўлдиришади. Қурбақа ўсимликларнинг илдизини қирқадиган ҳар хил қўнғиз ва личинкаларни, пахта кўсаги, карам ва помидор барглари ни қирқадиган очқўз қуртларни, пашша ва эшак қурти личинкаларини ейди. Қурбақа бир кечада 100 та зарарли ҳашаротни еб битиради олади.

Китоб халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

М. ҚАЮМОВА,
ЎзССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институти заҳарли илонлар экологияси лабораториясининг ходими.

ЗАВОДДА ЧЕТ ТИЛЛАР ТЎГАРАГИ

«Ташсельмаш» заводида бошқа тўгараклар қатори чет тили тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Инглиз ва немис тилини ўрганиш тўгараклари инженерлар ва ишчилар билимини оширмоқда.

Маълумки, заводда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги машиналари бепоён мамлакатимиз қатори чет элларга ҳам юборилиб турилади. Машиналарни янада сифатли, чидамли қилиб ишлаб чиқариш учун техника янгиликларидан хабардор бўлиб бориш, ўқиш, ўрганиш, дўстлар билан тажриба алмашиб туриш керак. «Ташсельмаш» заводи инженерлари буни яхши тушунишади. Тўгараклар да олинган билим эса чет эллик дўстларимизнинг тажрибалари билан асл нусхада таниниш имконини беради.

Машғулотларга Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институти чет тиллар кафедрасининг ўқитувчиси Ю. Осадчий раҳбарлик қилмоқда.

Ю. ИГНАТОВ.

„ҚИЁФАСИ ЎЗГАРГАН“ СЎЗЛАР

Тил ва ўқувчилари ҳақидаги биринчи суҳбатимизда «...сўзлар тўхтаган манзилида ажойиб воқеаларни бошидан кечиради» деган эдик. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун бевосита фактларга мурожаат этайлик.

Кўпчилигингизнинг уйингизда «ўтхонасида кўмир, ўтин ёқиб сув қайнатадиган металл асбоб» — самовар бор. Унинг чойнак қўйиладиган устки қисми «кампирак» деб аталишини яхши биласиз. Баъзи бировлар, э, бўлди, бу ўзимизнинг «кампир» деган сўзимиздан ясалган деб ўйлашлари ҳам мумкин. Йўқ, сўзларнинг келиб чиқиши ҳақида енгилгина ўйловчи кишиларнинг хулосаси бу. Аслида эса, «кампирак» билан «кампир» ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Чунки «кампирак» рус тилидан ўзбек тилига ўтган «конфорка» сўзининг худди ўзгинасидир [рус тилига эса, голланд тилидан ўтган бўлиб, «ўчоқ» маъносидаги «комфоор» сўзидан олинган].

Сиз «Чор Россияси — халқлар турмаси эди» деган жумлани тез тез эшитиб турасиз. Бу жумла таркибидаги «чор» тожикча чор [тўрт] сўзининг ўзгинаси. Демак, «чор Россияси» ўзбекчада «тўрт Россияси» бўлади... Таржимамиздаги сўзларнинг бир-бирига қовушмай турганини сезяпсиз, шекилли. Ҳа, баракалла. Худди шундай. Ахир «тўрт Россияси» деганда нимани ҳам тушуниб бўларди. Кўрдингизми юзаки мулоҳаза қанақа бемаъниликка олиб келиши мумкин экан. Аслини текшириб кўрсангиз, «чор» русча «царский» сўзининг худди ўзи эканига ишонч ҳосил қиласиз. Шунга ўхшаш, русча «церковь» ҳам «черков» шаклига кириб, «қиёфасини буткул ўзгартириб» юборган.

Тил — ақл тарозиси

Ёдингизда бўлсин, мана бу сўзлар ҳам рус тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган, лекин шакли ўзгариб кетганлигидан ўзбекчага ўхшаш бўлиб қолган сўзлардир.

«Уезд составига кирган қуйимаъмурий территориал бўлинма» маъносидаги «бўлис» [бўлмоқ>қа алоқаси йўқ] русча «волост» сўзининг, «пул бирлиги, сўм» маъносидаги «сўлкавой» русча «целковий» сўзининг, «қўшиш, олиш, кўпайтириш ва бўлиш амаллари бажариладиган оддий ҳисоб асбоби» маъносидаги «чўт» [шеваларда «теша» маъносида ишлатилувчи «чўт» сўзи билан қориштирманг!] русча «счёти» сўзининг, «тахта кундага, дастага қаттиқ қилиб ўрнатиб ясалган, чанг ва бошқа ифлос нарсаларни тозалаш учун ишлатиладиган мослама маъносидаги «чўтка» русча «щётка» сўзининг, «катта ёғоч бўйинча, от абзали» маъносидаги «дуға» русча «дуга» сўзининг ўзбекча талаффузга мослаштирилган шаклидир.

Хўш, нега сўзлар бошқа тилларга ўтганда шаклини ўзгартириб юборади, ўзгаришсиз қабул қилинаверса яхши бўлмайдими, деб сўрашингиз табиий.

Дунёда бир-бирига мутлақо ўхшаш одам, ҳайвон ёки нарса бўлмаганидай, бир-бирига ўхшаш халқ ҳам бўлмайди. Уларнинг ҳаёти ҳам, юриш-туриши ҳам, қиёфаси ҳам бир-бирига ўхшамайди. Худди шундай, товушларни талаффуз қилишда ҳам улар ўртасида фарқ борлиги яққол сезилиб туради. Масалан, туркий тилларда сўзлашувчи халқлар, жумладан, ўзбеклар қ, ғ, ҳ, ў товушларини бемалол айта олишади. Рус ёки бошқа ғарбий Европа халқлари бундай товушларни талаффуз қила олишмайди. Ўз навбатида ўзбеклар русча щ, ц, ы товушларини талаффуз қилишда қийналадилар. Энди тилимизда сўзларнинг «қиёфаси ўзгариб кетиши» сабабини тушуниб етгандирсиз.

Р. ДОНИЁРОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЁНМАЙДИГАН ЁҒОЧ

ҚУДДУС (Иерусалим) сунъий тола ва ёғоч маҳсулотлари институти лабораторияларида алангаланмайдиган материаллар тайёрлашнинг ўзига хос янги усули ишлаб чиқилди.

Бу метод ёғоч таркибидаги легнин моддаси молекулалари орасига бром киритишдан иборатдир. Бром материалнинг химиявий структурасини тубдан ўзгартириб юборади ва бунинг натижасида буюм нам ва ўтга тўла қаршилик кўрсатадиган бўлиб қолади.

Ёғочни ҳимоя қилишнинг илгари қўлланиб келинган усуллари асосан уни турли туз эритмаларига ботириб олишдан иборат эди. Бу эса материалнинг оғирлигини 25 процентгача оширади. Бундан ташқари, турли тузлар ёғоч билан химиявий бирикмай ёмғирда ювилиб кетар эди.

Янги усул ёрдамида бром билан ишланган ёғочнинг оғирлиги атиги тўрт процентгина ошади ва бундай ёғоч ҳатто печда ҳам ёнмайди.

ПЛАСТМАССА ГАЗЕТА

Ўтган йил кузда Москвада бўлиб ўтган «Химия саноатда, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида» халқаро виставкасини келиб кўрувчилар химия сохасида эришилган кўпгина ажойиб янгиликларнинг гувоҳи бўлдилар. Масалан, Нидерландлар павильонидаги «Голланд давлат шахталари» бирлашмасининг стенди ёнида ажойиб совға—полиэтилен плёнкага босилган газета олиш мумкин эди. Полиэтилен плёнка массага титан бирикмалари қўшиш йўли билан сут ранга бўялган бўлиб, ундаги текст, фото ва график тасвирлар резина формулалар ёрдамида одатдаги офсет машинада босилган эди.

Пластмасса газета реклама мақсадларида тайёрланган эди албатта. Лекин у сувдан, чанг-гарддан, доғ соладиган ёғлаш материалларидан қўрқмайдиган ва ифлосланган тақдирда ҳам тезда ювиб тозаласа бўладиган «доимий ҳужжатлар», чертёжлар, инструкциялар, қўлланмалар тайёрлаш мумкинлигини кўрсатди.

Ҳозир Голландияда оқ полиэтилен плёнкага тепловозларни эксплуатация қилиш юзасидан инструкциялар ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар босилмоқда.

ҚИММАТЛИ ТОПИЛМА

1923 йилда Миср ҳукумати Лондоннинг марказидаги бир француз банкирига қарашли уйни сотиб олган.

Польшада чиқадиган «Пшекруй» журналининг хабар беришича яқинда ўша уйнинг шифтларидан машҳур итальян рассоми Тьеполнинг бекитиб қўйилган 5 полотноси топилган. Бу картиналар Тьеполнинг Англия территориясидаги барча асарларининг энг яхшиси бўлиб чиққан. Топилган полотноларнинг ҳар бири ярим миллион долларни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда уй ва ундаги мол-мулкларнинг ҳаммаси Бирлашган Араб Республикасининг элчихонасига қарашлидир. Президент Носир топилма тўғрисида хабардор бўлгач, полотноларнинг ҳаммасини Қоҳирага келтиришни буюрган. Бу ерда улар кенг оммага кўргазмага қўйилади.

(«Наука и жизнь» журналидан).

ҲАВО СПОРТИНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Ака-ука Монгольфелар бундан 200 йил муқаддам ичига иссиқ ҳаво тўлдирилган қоғоз шарда ҳавога кўтарилган эдилар. Лекин ҳозир ҳаво шари мутлақо бошқача тарзда тузилган. У нейлондан тайёрланган, учувчи суянчиқли қулай креслода ўтиради. Унинг икки ёнида суюқ газ билан тўлдирилган иккита бак ўрнатилган. Газ иссиқ ҳаво бериб турадиган горелкаларга уланган. Шарнинг кўтарилиши ва тушиши унга бериладиган иссиқ ҳавога боғлиқдир.

ҚОҒОЗ ЧЕЛАК

Органик синтез институтида газламалар, сунъий мўйна, синтетик толаларга сув ўтказмайдиган хусусиятлар берадиган янги барқарор препаратлар яратилди. Бу ерда сувдан кўрқмайдиган қоғоз ҳам тайёрланди. Бундай қоғоздан халта ва челаклар, плашч ва ҳатто оёқ кийими тайёрласа бўлади.

«ЎРМОН ЎТ ЎЧИРУВЧИСИ»

ТДТ-60 маркали ёғоч ташувчи трактор базасида ускуналанган ўрмаловчи машина ана шундай деб аталади. Бу машинага ўрнатилган мотор ёрдамида ишловчи кучли насос сув оқимини 25 метрга етказиб беради. Шланглар ёрдамида эса бу масофани 200 метр гача оширса бўлади. Цистернадаги сув запаси бир соатга етади.

(«Техника молодёжи» журналидан).

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ОЗОДЛИК АРМИЯСИ БЕШ ЁШГА ТЎЛДИ

ХАНОЙ, 17 февраль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларидан бирида Жанубий Вьетнам қуролли кучлари бирлашган кунинг беш йиллигига бағишлаб, кеча тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда озодлик армияси қуролли кучлари қўмондонининг ўринбосари Нгуен Тхи Бинь нутқ сўзлаб, Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг тарихи тўғрисида гапириб берди. У, жумладан, айтдики, ҳозирги вақтда армия қўшинларнинг уч туридан тарқиб топган бўлиб, бирлашган қўмондонлик раҳбарлигида ҳаракат қилмоқда. Қўшинларнинг бу учала тури озодлик қуролли кучларининг айрим отрядлари негизида вужудга келтирилган..

Нгуен Тхи Бинь ўз нутқида яна қуйидагиларни айтди: Ўтган беш йил мобайнида Жанубий Вьетнам озодлик армияси 145.000 та жангда қатнашди, душманнинг 500 мингдан ортиқ солдатини, шу жумладан 22.600 Америка агрессорини қириб ташлади, 60 та батальонни, шу жумладан Американинг 9 та батальонини тор-мор келтирди.

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг раиси Нгуен Хиу Тхо Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг озодлик қуролли кучларини биринчи даражали «Тхань-Донг» («Темир қалъа») ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги қарорини ўқиб эшиттирди. Йиғилиш қатнашчилари бу қарорни зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Тантанали йиғилишда Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзолари, озодлик қуролли кучлари қўмондонлигининг вакиллари, Миллий озодлик фронтига ёндошувчи турли оммавий ташкилотларнинг вакиллари, Миллий озодлик фронти армияси қўмондонлигига қарашли турли органларнинг кадр ходимлари ва бошқа хизматчилари ҳозир бўлдилар.

Репатриация давом этмоқда

КАРОЧИ. (ТАСС). Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги уруш ҳаракатлари вақтида Покистонда ушлаб қолинган ҳинд гражданларини репатриация қилишга киришилди. Махсус лагерга тўплаб келинган ҳинд гражданларининг 337 кишидан иборат дастлабки тўдаси чегарадаги Ҳусайнивал пункти орқали Ҳиндистонга жўнатилди. Ҳиндистондан Ғарбий Покистонга келган 1558 покистонлик репатриация қилиб бўлинди.

ЖАЛЛОДЛАРНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг қуролли кучлари 1965 йил 27 май билан 1966 йил 4 февраль ўртасидаги даврда душманнинг 10 та батальонини ва 15 та ротасини тор-мор келтириб, Американинг деярли 15 минг солдатини сафдан чиқардилар, деб хабар беради ВИА агентлиги озодлик агентлигининг ахборотига асосланиб. Ана шу давр ичида 160 самолёт ва вертолет уриб туширилди, 140 дан кўпроқ амфибия-бронемашина ва танк ҳамда 50 та ҳарбий машина яксон қилинди.

Вантуонгдаги жангнинг ўзида (Куангнгай вилояти) ватанпарварлар 1965 йил 18 ва 19 август мобайнида Американинг 900 дан кўпроқ солдатини сафдан чиқардилар, «М-113» типидаги 22 та амфибия автомашинасини яксон қилдилар ҳамда 13 та самолёт билан вертолётни уриб туширдилар.

ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 февраль. (ТАСС). АП агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: бугун Сайгон аэропорти яқинидаги Тансонҳат деган жойда иккита бомба портлади. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари қўйган бомбалардан бири портлаб, қўғирчоқ армия солдатлари тушган юк машинаси яксон бўлди.

СУКАРНО НУТҚ СЎЗЛАДИ

ЖАКАРТА, (ТАСС). Индонезия президенти Сукарно Мердека саройида студентларнинг прогрессив ташкилотлари вакиллари олдида нутқ сўзлаб, ҳозирги вақтда Индонезия революциясини ўнгга буриб юбориш учун уринишлар бўлмоқда, деб айтди. Революцияни ҳозирги йўлидан буриб юбориш учун қилинаётган уринишларга қаршилик кўрсатмоқ учун президент ҳозир бўлганларни «Сукарно фронти» тузишга чақирди.

Президентдан кейин сўзга чиққан бош министрнинг учинчи ўринбосари Хайрул Салох ҳам баъзи гуруҳлар революцияни ўнгга буриб юборишга интилаётганини таъкидлади. У, студентларга мурожаат қилиб, уларни ана шундай интилишларга қарши кураш бошлашга ҳамда ушлаб олиниб, қамоққа ташланишдан қўрқмай, «Сукарно фронти» ташкилотини тузишга даъват этди.

Шу муносабат билан Бандунг технология институтининг ўн студенти ўз институтида «Сукарно фронти» ташкилотини тузишга ҳаракат қилганлиги учун яқинда қамоққа олинганлигини эслатиб ўтиш керак.

ФРАНЦИЯ ЕРНИНГ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИНИ УЧИРДИ

ПАРИЖ, 17 февраль. (ТАСС). Бугун Хаммагир полигонидан (Саҳроий Кабир) Франция Ернинг сунъий йўлдоши— «Д-1А»ни учирди. Йўлдош Франциянинг «Диаман» ракетаси ёрдамида учирилди.

Нью-Йоркда жиноятчилик кўпаймоқда

НЬЮ-ЙОРК, 17 февраль. (ТАСС). Нью-Йорк полиция бошқармаси эълон қилган ахборотга кўра, ўтган йили Нью-Йорк шаҳрида жиноятчилик 9,1 процент кўпайди. Айниқса қурол ишлатиб қилинган жиноятлар (одам ўлдириш, қуролли қароқчилик, бандитизм) сони кескин суратда, яъни 10,1 процент ошди. Наркотик моддалар истеъмол қилиш ва яширин суратда уларни сотиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони тинмай кўпаймоқда. Ана шундай жиноятлар учун қамоққа олинган, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар сони 72 процент ортди.

КОЛУМБИЯ. Латин Америкасидаги бу кичик мамлакатнинг қаҳрамон халқи ўз мустақиллиги, демократия учун, америка капиталининг ҳукмронлигига қарши курашни муттасил давом эттирмоқда. Ватан озодлиги учун курашаётган партизанлар сафи ишчилар ва деҳқонлар ҳисобига кўпаяётир. Суратда: партизан отряди топшириқни бажаришга кетмоқда. Пренс Латин—ТАСС фотоси.

РЕКЛАМА ◆ ВА ◆ ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Телевизион янгиликлар.** 17.20— В. А. Карпинский. **Сибирь деҳқони В. И. Ленин ҳузурида** (болалар учун).

Рус тилида: 17.50 — **Суварак** (болалар учун мультфильм). 18.10 — **Березинский заповедниги** (илмий-оммабоп фильм). 18.30 **Телевизион янгиликлар.**

Ўзбек тилида: 18.45 — **Икки орден** (ҳужжатли фильм). 18.55— А. П. Чехов. **Илтимос** (телетеатр). 19.45 — **Янги Деҳли** номли кинокомедиянинг 1-серияси. 21.00 — **Ялла ва рақслар,** кейин — **Эртаги кун программаси.**

МОСКВА ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

(тажриба тариқасида)

22.20 — **Киносаёҳатлар** клуби. 23.30 — **Мўйна этиклар** (поляк телевизион бадиий фильми). 00.30 — **Огонёк** (Тбилисидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/II да премьера **Зулматдан зиё,** 20/II да кундуз **Доктор Айболит,** кечқурун **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/II да **Қонли сароб,** 20/II да кундуз **Насриддин саргузаштлари,** кечқурун **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/II да **Ёшлинда берган нўнгил,** 20/II да кундуз **Ота ўғли,** кечқурун **Концерт.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Анатолий Фурманов гастроллари** (иллюзион аттракцион). РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Владимир Довейко** раҳбарлигида акробатлар группаси ва бошқа номерлар. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Биз, рус халқи (кенг форматли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Оддий фашизм — «ИСКРА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ярим, 3 ва кеч 7-15 минутда).

Тош ўрнида 1000 кеча — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Соф севги қиссаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 5 ярим ва кеч 9-45 минутда).

Секретарь қиз — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Репортёр отпускаси — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

Улуғ Октябрь социалистин революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланади.

19 февралда ПРЕМЬЕРА

ЗУЛМАТДАН ЗИЁ

Туроб Тўла либреттоси **Рашид Ҳамроев** музикаси

(Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида)

Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ф. Шамсиддинов,** постановкачи режиссёр— Ўзбекистон ССР халқ артисти **М. Муҳамедов,** хормейстерлар — **Л. Шамшин, С. Шодмонов,** рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **М. Мусаев,** рақсларни саҳнага қўювчи — СССР халқ артисти **М. Турғунбоева.**

Кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газета редакциялари коллективи Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Ф. Архангельскийга хотини

Евдокия Тимофеевна АРХАНГЕЛЬСКАЯНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р 06171. ИНДЕКС 64969 Г—1057